ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.К.01.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

УСМАНОВА ХИЛОЛА УМАТАЛИЕВНА

АТРОФ-МУҲИТ ОБЪЕКТЛАРИДА БАЪЗИ МЕТАЛЛАРНИ ИММОБИЛЛАНГАН ОРГАНИК РЕАГЕНТЛАР ЁРДАМИДА АНИҚЛАШ УЧУН СОРБЦИОН-ЛЮМИНЕСЦЕНТ УСУЛЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ

02.00.02 – Аналитик кимё
(кимё фанлари)

КИМЁ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2021

УДК 543.426:543.064

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)
Content of doctor of science (DSc) dissertation abstract

Усманова Хилола Уматалиевна
Атроф-муҳит объектларида баъзи металларни иммобилланган органик реагентлар ёрдамида аниқлаш учун сорбцион-люминесцент усулларни ишлаб чиқиш..... 3

Усманова Хилола Уматалиевна
Разработка сорбционно-люминесцентных методов определения некоторых металлов в объектах окружающей среды с использованием иммобилизованных органических реагентов..... 29

Usmanova Khilola Umatalievna
Elaboration of sorption-luminescent methods for determination of certain metals in the environmental objects using immobilized organic reagents……..... 55

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works..... 59

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.К.01.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

УСМАНОВА ХИЛОЛА УМАТАЛИЕВНА

АТРОФ-МУҲИТ ОБЪЕКТЛАРИДА БАЪЗИ МЕТАЛЛАРНИ ИММОБИЛЛАНГАН ОРГАНИК РЕАГЕНТЛАР ЁРДАМИДА АНИҚЛАШ УЧУН СОРБЦИОН-ЛЮМИНЕСЦЕНТ УСУЛЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ

02.00.02 – Аналитик кимё
(кимё фанлари)

КИМЁ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2021

Докторлик диссертациясининг мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.4.DSc/K115 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Ўзбекистон Миллий университети ва Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ik-kimyo.nuu.uz ҳамда «Ziyonet» ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи: **Сманова Зулайхо Асаналиевна**
кимё фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Абдурахмонов Эргаш**
кимё фанлари доктори, профессор

Шабилалов Азатжан Ахматович
кимё фанлари доктори, профессор

Яхшиева Зухра Зиятовна
кимё фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот: **Умумий ва ноорганик кимё институти**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc03/30.12.2019.K.01.03 рақамли Илмий кенгашнинг «___» _____2021 йил соат_____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент,Университет кўчаси 4-уй. Тел.: (+99871) 246-07-88; 277-12-24; факс: (+99871) 246-02-24; E-mail: chem0102@mail.ru).

Докторлик диссертацияси билан Ўзбекистон Миллий университети Ахборот ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил 100104, Тошкент, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (+99871) 227-12-24, факс (+99824) 246-53-21; 246-02-24. e-mail:nauka@nuu.uz. ЎзМУ Маъмурий биноси, 2-қават, 4-хона. Тел.: (+99871) 236-46-55; факс: (+99871) 246-02-24).

Диссертация автореферати 2021 йил «___» _____ тарқатилди.
(2021 йил «___» _____ даги _____рақамли реестр баённомаси).

Х.Т.Шарипов
Фан доктори илмий даражасини
берувчи илмий кенгаш раиси, к.ф.д.,
профессор

Д. А. Гафурова
Фан доктори илмий даражасини
берувчи илмий кенгаш котиби, к.ф.д.

Н.Х. Қутлимуротова
Фан доктори илмий даражасини
берувчи илмий кенгаш ҳузуридаги
илмий семинар раиси, к.ф.д.

КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарбиги ва зарурати. Дунёда бугунги кунда ишлаб чиқариш даражаси жадал суръатлар билан ўсиб бормоқда, бу эса оғир заҳарли моддалар концентрациясининг атроф-муҳит объектларида ошишига олиб келади. Оғир ва заҳарли металларнинг одамларга токсик таъсирининг жуда кенг доираси, шунингдек уларнинг рухсат этилган концентрациясининг паст қийматлари атроф-муҳит ҳолатини ишончли мониторингини талаб қилади. Оғир ва заҳарли металларни аниқлашнинг ишлаб чиқилаётган усулларининг метрологик ва аналитик хусусиятларига қўйиладиган талабларни ортиб бориши муносабати билан атроф-муҳит объектларида экотоксикантлар таркибини мониторинг қилишнинг янги юқори сезгир, селектив ва самарали усулларини ишлаб чиқиш катта амалий аҳамият касб этади.

Жаҳонда етакчи олимлар томонидан оғир ва заҳарли металл ионларини аниқлашнинг селективлиги, сезгирлиги ҳамда экспресслиги юқори бўлган усулларни, шу жумладан, қаттиқ фазали люминесцент усулларини ишлаб чиқиш ва ривожлантириш бўйича илмий изланишлар ўтказилиб келинмоқда. Бу йўналиш жуда истиқболли ҳисобланади, чунки иммобилланган реагентларни қўллаш усуллари бир қатор афзалликларга эга, улардан энг муҳими - концентрлашни тўғридан-тўғри иммобилланган реагент юзасидан аниқлаш билан бирлаштириш имконияти, бу анализни соддалаштиради ва уни экспресслиги оширади. Бу жиҳатдан иммобиллаш жараёнининг реагентларни аналитик хоссаларига таъсирининг қонуниятларини ўрганиш ушбу йўналишни ривожлантиришда катта аҳамиятга эга.

Мамлакатимизда кимё саноатини ривожлантиришда атроф-муҳит объектлари таркибидаги оғир токсик металларни, шу жумладан алюминий, берилий, қўрғошин, рух, вольфрам ва торийни аниқлашнинг люминесцент усулларини яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Олиб борилаётган дастурий чора-тадбирлар асосида мазкур йўналишда маълум ютуқларга эришилган, айниқса, оқава сувлар, чиқинди ва озиқ-овқат маҳсулотлари таркибини сифат ва миқдорий назорат қилиш бўйича кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, органик реагентларни иммобиллаш ёрдамида атроф-муҳитнинг турли объектларида металл ионларини аниқлаш учун янги сорбцион-люминесцент услуллар ишлаб чиқилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «маҳаллий хомашёни қайта ишлаш, тубдан янги турдаги маҳсулот ва технологиялар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш асосида тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни янада жадаллаштириш, сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришни такомиллаштириш» вазифалари белгилаб берилган. Республикамизда кимё саноати, халқ хўжалигида алюминий, бериллий, рух ва қўрғошин, вольфрам ва торий каби металларнинг кенг ишлатилиши сабабли, уларни аниқлаш учун замонавий, янада ишончли, тезкор ва арзон сорбцион-люминесцент усулларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича

Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги Фармони ҳамда 2018 йил 25 октябрдаги ПҚ-3983-сонли «Ўзбекистон Республикасида кимё саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2019 йил 3 апрелдаги ПҚ-4265-сонли «Кимё саноатини янада ислоҳ қилиш ва инвестицион жозибадорлигини ошириш» тўғрисидаги Қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 3 июндаги 343-сонли «Атроф-муҳитнинг ифлосланиш даражасини баҳолаш тизимини янада такомиллаштириш» тўғрисидаги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. Кимё, кимёвий технологиялар ва нанотехнологиялар устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи [1].

Турли табиатли ташувчиларга иммобилланган органик реагентлар (ИМОР) ёрдамида тезкор ва юқори талаб таъсир этувчан сорбцион-люминесцент анализ усулларини ишлаб чиқиш бўйича илмий тадқиқотлар дунёнинг етакчи илмий марказларида, жумладан University of Wisconsin-Green Bay, Madison (АҚШ), Institute for Technical and Macromolecular Chemistry, Max-Planck-Institut (Германия), University Ca'Foscari of Venice (Италия), Karnatak University Dharwad (Хиндистон), İstanbul University-Cerrahpaşa (Туркия), Benha University (Миср), Baku State University, Ganja State University (Азербайджон), Москва давлат университетида, Вернандский номидаги ГЕОХИ, Сибир федерал университетининг «Кристалл» илмий-тадқиқот муҳандислик марказида ва б. (Россия), Тарас Шевченко номидаги Киев миллий университетида (Украина), Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университетида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Селектив ва сезгир сенсорларга бўлган талабларнинг ортиши сенсорли қурилмаларни, шу жумладан сезгир қатламлар сифатида иммобилланган органик реагентлар қўлланилган оптик қурилмаларни яратиш бўйича илмий тадқиқотларни ўтказишни талаб қилади. Жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: турли объектларда Hg (II) ни спектрофотометрик аниқлаш учун дифенилкарбазон билан модификацияланган шаффоф полиметакрилат матрицаси асосида колориметрик сенсор ишлаб чиқилган (Миллий тадқиқот Томск политехника университети, Россия); Cu (I), Ag (I), Au (I) и Pt (II) ни паст ҳароратли люминестсент аниқлаш учун реагент сифатида кремний оксиди юзасида иммобилланган 2-меркапто-5-бензимидазол сульфон кислотаси ишлатилган (Isfahan University of Technology, Эрон); торий (IV) ни сорбцион-фотометрик аниқлаш учун п-аминобензой кислотаси фрагментларини

[1] Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи http://www.scholar.google.com, http://www.sciencedirect.com. ва бошқа манбаалар материаллари асосида тайёрланган

ўз ичига олган малеин ангидриднинг стирол билан сополимери асосида хелатловчи сорбент синтез қилинган (Боку давлат университети, Озарбайжон); Cu^{2+} ни аниқлаш учун оддий, қайтариладиган, колориметрик ва сувда эрувчан ADA флуоресцент кимёвий сенсори ишлаб чиқилган (Qilu Technological University, Хитой); ташувчи сифатида гел ва грануласимон моддалар ишлатилганда атом-эмиссион ва флуоресцент спектроскопия ёрдамида аниқлаш чегараси икки тартибга камайганлиги аниқланган (University Ca'Foscari of Venice, Италия); заҳарли ва токсик моддаларни иммобилланган арсеназо III ва трифенилметан бўёқ, пиридин асосидаги реагентлар ёрдамида сорбцион-фотометрик аниқлаш усуллари ишлаб чиқилган (Ўзбекистон Миллий университети, Ўзбекистон).

Дунёда оғир ва заҳарли металларни аниқлаш учун юқори сезгир кимёвий сенсорларни яратишга қаратилган бир қатор устувор йўналишлар бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда, жумладан, оғир ва заҳарли металларни аниқлаш учун янада ишончли, тезкор ва тежамкор усулларини ишлаб чиқиш; мавжуд бўлган усулларнинг сезгирлиги, селективлиги ва тезкорлигини ошириш; ишлаб чиқилган усулларнинг асосида сенсорларнинг сезгир қатламларини яратиш; тиббиёт, криминалистика ва экология муаммоларини ҳал этувчи юқори самарали кичик ўлчамли сенсорлар ишлаб чиқиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бугунги кунда токсик ва оғир металларни аниқлашнинг оптик, физикавий ва бошқа усуллари энг ривожланган. Аммо, аналитик технологиялар ривожланиб бориши билан элементларни аниқлашнинг сезгирлиги ва ишончлилигини оширишга талаблар кўтарилмоқда, бу эса янги ёндашувлардан фойдаланишни талаб қилади, улардан бири иммобилланган органик реагентлар (ИМОР) қўлланилиши билан қаттиқ фазали люминесценция усулларидир. Жаҳон илмий марказларида турли хил матрицалардаги ИМОР қўлланилиши билан экспресс, юқори селективли сорбцион-спектроскопик анализ усулларини ишлаб чиқиш бўйича илмий тадқиқотлар жадал олиб борилмоқда. Хорижлик олимлар Ю.А.Золотов, А.Н.Туранов, М.И.Беклемишев, И.В.Смирнов, Ю.Сасаки, Ю.Суго, С.Сузуки, Т.Н.Шеховцова, О.В.Лундовская, В.П. Дедкова, О.П.Швоева, Хиеронг Джун ва Хиросаки Натолар сорбцион-спектроскопик усулларни ишлаб чиқиш ҳамда кимёвий сенсорларни яратиш йўналишида ишлар олиб боришмоқдалар.

Адабиёт маълумотларини таҳлилий кўриб чиқиш шуни кўрсатдики, кўплаб ишлар (A.S.Mohamad, N.A.Razak, I.Ab Rahman, Jerri Ferd, R.Kelner, A.Messica, M.Markelov, M.Leiner, O.Woefbeis) электро-, термокимё ва фотометрик усуллар соҳасига мансуб, бу ерда турли хил полимер материаллар, силикагеллар, табиий цеолитлар, ПЭ плёнкалар, целлюлоза нитрат, поликапроамид, гель мембраналар, модификацияланган кремнезёмлар ташувчилар сифатида ишлатилади. Бироқ, ИМОР ёрдамида токсик ва оғир металларни аниқлашнинг люминесцент усулларига етарлича эътибор берилмаган.

Ўзбекистонда кимёвий сенсорлар ва элементларни аниқлаш тест-методларини ишлаб чиқиш билан М.А. Насимов, Э. Абдурахманов,

З.А.Сманова, Н.Х.Кутлимуротова шуғулланиб келишмоқдалар. Ўзбекистон Миллий университети кимё факультетини аналитик кимё кафедрасида люминесцент оптик сенсорларни яратиш бўйича тадқиқотлар 1990-йилларда, ўз тадқиқотлари билан органик люминофорлар таъсири назариясига катта ҳисса қўшган профессор Л.Е. Зельцер бошчилигида бошланган ва унинг раҳбарлигида атроф-муҳит объектларини мониторинг қилишнинг люминесцент усуллари ишлаб чиқилган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасининг илмий-тадқиқот режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Ўзбекистон Миллий университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг №Ф-7-48 (2017-2020 йй.) «Полимер материаллари юзасида иммобилизация қилинган металл нанозаррачаларининг фазавий ўзгариши механизмини ўрганиш», №А-12-53 «Экотоксикантларни атроф-муҳит объектларида фотометрик ва сорбцион-фотометрик аниқлаш усулларини ишлаб чиқишда полимер ташувчиларга иммобилланган реагентлар» (2015-2017 йй.), №ФЗ-201908098 «Каолинларни темир оксидидан тозалаш» (2020-2022 йй.) мавзусидаги фундаментал ва амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади атроф-муҳит объектларида иммобилланган органик реагентлар ёрдамида алюминий, бериллий, қўрғошин, рух, вольфрам ва торийларни аниқлашнинг сезгирлиги, селективлиги юқори бўлган экспресс сорбцион-люминесцент усулларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

аналитик фойдаланиш учун истиқболли бўлган алюминий, бериллий, қўрғошин ва рух ионлари билан оксиазобирикма, гидроксиантрахинонларнинг люминесцент реакцияларини топиш; алюминий, бериллий, қўрғошин, рух ионлари билан оксиазобирикма, гидроксиантрахинонларнинг люминесцент комплекслари ҳосил бўлишининг спектрал-люминесцент хусусиятларини, кимёвий-аналитик параметрларини аниқлаш;

органик реагентларни иммобиллаш усули билан ўрганилаётган металлар билан органик реагентларнинг комплекс ҳосил қилиш реакцияларининг спектрал-люминесцент хусусиятларини ва метрологик параметрларини яхшилаш;

эритмадаги ва иммобилланган ҳолатдаги оксиазобирикма, полиоксифлавон, гидроксиантрахинонлар мисолида электрон кўзғалишнинг турли синф органик бирикмаларнинг кимёвий ва аналитик хусусиятларига таъсирининг қонуниятларини аниқлаш;

оксиазобирикма, полиоксифлавон ва гидроксиантрахинонларни эритмада ва қаттиқ юзада электрон-қўзғалувчан ҳолатида фотопротолитик мувозанатини аниқлаш;

атроф-муҳит объектлари ва озиқ-овқат махсулотларидан алюминий, бериллий, қўрғошин, рух, вольфрам, торий ионларини аниқлашнинг сезгирлиги ва селективлиги юқори бўлган сорбцион-люминесцент усулларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида атроф-муҳитнинг турли хил намуналари, оқава ва табиий сувларнинг стандарт намуналари, озиқ-овқат маҳсулотлари ва бошқалар танланган.

Тадқиқотнинг предмети атроф-муҳитни ифлослантирувчи ва экотоксикант ҳисобланган алюминий, бериллий, қўрғошин, рух, вольфрам, торий ҳамда уларнинг бирикмалари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот усуллари сифатида оптик (спектрофотометрик, люминесцент, сорбцион-спектроскопик, атом-абсорбцион) ва олинган маълумотларни ҳисоблаш учун статистик усуллар танланди. Шунингдек, капилляр электрофорез, ИК-спектроскопик ва квант-кимёвий ҳисоблаш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

қаттиқ фазали люминесцент реагентлар сифатида алюминийни аниқлаш учун – кальконкарбон ва кармин кислоталари, эриохром кулранг SGL, эриохром кўк SE, бериллийни аниқлаш учун – кальконкарбон кислотаси, эриохром қизил В, қўрғошинни аниқлаш учун – эриохром кўк-қора R, эриохром қизил В, рухни аниқлаш учун – эриохром қизил В, эриохром кўк-қора В, вольфрам ва торийларини аниқлаш учун – морин аниқланган;

илк бор кальконкарбон кислота, эриохром қизил В, эриохром кулранг SGL, эриохром кўк SE, эриохром кўк-қора R, эриохром кўк-қора В, кармин кислота ва моринларнинг турли хил сорбентларга иммобиллашнинг оптимал шароитлари топилган ва уларнинг аналитик хусуситларига (селективлиги ва сезувчанлиги) иммобиллашнинг ижобий таъсири исботланган, оксиазобирикмаларни полидекстран ташувчиларга мумкин бўлган иммобиллаш механизми аниқланган;

илк бор алюминий, бериллий, қўрғошин, рух ионлари эритмада ва иммобилланган оксиазобирикма ва гидроксиантрахинонлар, вольфрам ва торийлар эса иммобилланган полиоксифлавонлар билан люминесцент комплекс ҳосил қилишнинг асосий спектрал-люминесцент ва кимёвий-аналитик хусусиятлари аниқланган;

эритмадаги ва иммобилланган ҳолатдаги оксиазобирикма, полиоксифлавон, гидроксиантрахинонлар мисолида электрон кўзғалишнинг турли синф органик бирикмаларнинг кимёвий ва аналитик хусусиятларига таъсирининг қонуниятлари исботланган;

илк бор иммобилланган оксиазобирикма, полиоксифлавон ва гидроксиантрахинонларни турли шакллари учун фотопротолитик реакцияларининг асосий хоссалари аниқланган;

комплексларнинг қўзғалган ҳолатидаги хусусиятлари (лиганд марказининг акцепторлик хоссалари ΔрК, lgβ) ва спектрал-люминесцент хусусиятлари (φ) орасида корреляцион боғлиқлик аниқланган;

алюминий, бериллий, қўрғошин, рух, вольфрам ва торийни қаттиқ фазали-люминесцент аниқлаш учун янги реагент-ташувчи системалар яратилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

иммобилланган органик реагентлар ёрдамида оғир ва заҳарли

металларни сорбцион-люминесцент аниқлашга асосланган экспресс, селектив ва сезгир янги анализ усуллари ишлаб чиқилган ҳамда улар асосида атроф-муҳит объектлари (табиий, оқава, ичимлик сувлар, тупроқ ва ҳ.к.) ва озиқ-овқатларда алюминий, бериллий, қўрғошин, рух, вольфрам ва торийни аниқлашнинг қаттиқ фазали люминесцент услублари яратилган;

иммобилланган органик реагентлар қўлланилганда эритмага нисбатан аниқлаш чегараси бериллий учун 5-13 марта, алюминий учун 10-50 марта, қўрғошин учун 8-10 марта, рух учун 16-41 марта, торий учун 4 марта, вольфрам учун 80 марта пасайганлиги аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги олинган натижаларни «киритилди-топилди», «стандарт намуналар», «қўшимчалар қўшиш», квант кимёвий ҳисоблашлар ва бошқа усуллар билан тасдиқланганлиги, атроф-муҳит объектларининг намуналари давлат стандарт усуллари билан солиштирилганлиги ва математик статистик усулларида қайта ишланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти қўзғалиш ва иммобиллаш таъсири қонуниятлари асосида оксиазобирикма, полиоксифлавон, гидроксиантрахинонларнинг қаттиқ юзада қўзғалган ҳолатда кимёвий-аналитик хусусиятларининг сезиларли даражада яхшиланиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти атроф-муҳитнинг объектлари (табиий, оқава ва ичимлик сувлари, тупроқлар ва ҳ.к.) ҳамда озиқ-овқатлардан экотоксикантларни янги иммобилланган реагентларни қўллаган ҳолда метрологик ва аналитик кўрсаткичлари яхшиланган аниқлаш усулларини ишлаб чиқилганидан иборат.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўрганилган металларни иммобилланган оксиазореагентлар, полиоксифлавонлар ва гидроксиантрахинонлар билан ишлаб чиқилган аниқлаш усуллари бўйича олиган илмий натижалар асосида:

қўрғошинни иммобилланган органик реагаентлар ёрдамида сорбцион-спектроскопик усуллар Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг Ёнғин хавфсизлили ва фавқулодда вазиятлар муаммолари бўйича илмий тадқиқот институтида амалиётга жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Ёнғин хавфсизлиги Бош бошқармаси Ёнғин хавфсизлигини илмий-техник таъминлаш марказининг 2017 йил 12 октябрдаги 29/11-779-сон маълумотномаси). Натижада, ишлаб чиқилган усуллар турли намуналардан қўрғошин ионларини юқори сезгирлик ва тезкорлик билан аниқлаш имконини берган;

алюминий, бериллий ва вольфрам ионларини аниқлаш ва ажратиш усули «Муборак газни қайта ишлаш заводи» АЖ нинг Марказий лабораториясида амалиётга жорий қилинган («Муборак газни қайта ишлаш заводи» АЖ нинг 2021 йил 27 январдаги 35/GK-01-21-сон маълумотномаси).

Натижада, ишлаб чиқилган усуллар оқава сувлар таркибидаги алюминий, бериллий
ва вольфрам ионларини аниқлаш ҳамда самарали тозалаш имконини берган;

иммобилланган реагентлар ёрдамида алюминийни аниқлашнинг сорбцион-флуориметрик усуллари «Навоиазот» АЖнинг аналитик лабораториясида амалиётга жорий қилинган («Навоиазот» АЖнинг 2021 йил 19 июлдаги 01-8/5298-сон маълумотномаси). Натижада, ишлаб чиқилган усуллар чиқинди сув таркибидаги алюминийни юқори сезгирлик ва тезкорлик билан аниқлашга имкон берган;

алюминий ва қўрғошинни аниқлашнинг сорбцион-спектроскопик усуллари Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар Вазирлигининг Бош эксперт-криминалистик Марказининг Портлаш техника экспертиза бўлимида жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Экспертиза криминалистика Бош Марказининг 2021 йил 18 августдаги 21/838-сонли маълумотномаси). Натижада, ишлаб чиқилган усуллар турли криминалистик намуналардан алюминий ва қўрғошин изларини юқори сезгирлик ва тезкорлик билан аниқлаш имконини берган;

заҳарли металларни люминесцент ва сорбцион-люминесцент аниқлаш усуллари олий ҳарбий муассасаларининг ҳарбий таълим йўналиши бўйича «Оммавий қирғин қуролларидан ҳимоя қилиш» номли мультимедиа электрон дарслигида ўз ифодасини топган (Ўзбекистон Республикасининг интеллектуал мулк агентлигининг 2016 йил 30 сентябрдаги 000261-сонли муаллифлик ҳуқуқи объектларини депозитга қўйганлик гувоҳномаси). Натижада, таълим жараёнида машғулотлар мазмунини такомиллаштиришга ҳамда таълим самарадорлигини оширишга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 29 та, жумладан, 19 та халқаро ва 10 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 50 та илмий иш чоп этилган, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фан доктори диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 18 та мақола, жумладан, 15 та республика ва 3 та хорижий журналларда чоп этилган ҳамда 1 та электрон ўқув қўлланма ишлаб чиқилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, еттита боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 200 бетни ташкил этади.[·]

[·] Муаллиф мазкур ишни тайёрланишига ташаббускор бўлган кимё фанлари доктори, профессор Л.Е.Зельцерга чуқур минатдорчилигини билдиради.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари асослаб берилган, тадқиқотнинг объектлари ва предметлари келтирилган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, унинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, назарий ва амалий аҳамияти ёритилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш истиқболлари бўйича хулоса қилинган ҳамда чоп этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Баъзи оғир ва заҳарли металларнинг тавсифи ва токсиклиги. Уларни аниқлашнинг аналитик усуллари** (Адабиётлар шарҳи)» деб номланган биринчи бобида алюминий, бериллий, қўрғошин, рух, вольфрам ва торийларнинг ишлатилиш соҳалари, аҳамияти ва уларни аниқлаш бўйича танқидий адабиётлар шарҳи келтирилган. Адабиётлар шарҳи ўрганилаётган металларни аниқлашнинг экстракцион-фотометрик, спектрофотометрик, люминесцент, сорбцион-спектроскопик ва бошқа анализ усуллари ҳамда аналитик параметрлари ва метрологик хусусиятларининг ўзига хос томонлари, ўрганилаётган металларни аниқлаш бўйича баъзи давлат стандарт усулларини ўз ичига олади. Ўрганилаётган металларни анализ қилишда намуна таркибидаги бегона ионларни концентрлаш, ажратиш, халақит берадиган ионларни ниқоблашсиз, селектив аниқлаш усуллари камлиги каби муаммолар кўрсатиб берилган. Алюминий, бериллий, қўрғошин, рух, вольфрам ва торийни аниқлаш учун турли хил бирикмалар синфларининг органик реагентларни, шу жумладан оксиазобирикмалар, полиоксифлавон ва гидроксиантрахинонларни қўллаш бўйича ишлар кўриб чиқилган. Иммобилланган органик реагентлар ёрдамида алюминий, бериллий, қўрғошин, рух, вольфрам ва торийларни аниқлаш усуллари ва олинган тизимлардан аналитик кимё амалиётида фойдаланиш истиқболлари намойиш этилган. Шунингдек, иммобилланган реагентлар ёрдамида турли хил объектларда металларни аниқлаш бўйича маълумотлар тизимга келтирилган. Адабиётларда келтирилган ишларнинг таҳлили ушбу ишнинг мақсади, вазифаси ва тадқиқот объектини танлашга имкон яратди.

Диссертациянинг **«Тадқиқотларни ўтказишда ишлатилган асбоб-ускуналар ва материаллар. Ишнинг умумий методикаси»** номли иккинчи бобида оксиазобирикмалар, полиоксифлавонлар ва гидроксиантра-хинонларни ҳамда металл комплексларни қўзғалиш ва люминесцент спектрларини аниқлашда ишлатиладиган аппаратуралар ва ёрдамчи қурилмалар, ишлатиладиган реагентларни тайёрлаш тартиблари келтирилган.

Ишлатиладиган реагентларни синфланиши, стандарт ва ишчи эритмаларни тайёрлаш усуллари, уларни сақлаш тартиблари, намуналарни олиш усуллари, намуналарни тайёрлаш усуллари келтирилган. Иммобилланган ва эритма ҳолатидаги оксиазобирикмаларнинг квант чиқишини, кислота-асосли (протолитик) константаларини топиш, тажрибада олинган маълумотларни математик қайта ишлашнинг асосий усуллари, ўрганилаётган металл ионларни миқдорини аниқлашнинг қуйи чегараларини ва аниқлаш чегараларини топиш усуллари келтирилган.

1-жадвал.

Ўрганилаётган реагентларнинг тузилиш формулалари ва белгиланиши

Тузилиш формулалари	Брутто формула	Номенклатура бўйича номланиши/сотувдаги номи	Белги-ланиши
Оксиазобирикмалар			
	$C_{21}H_{14}N_2O_7S$	1-(2-окси-4 сульфо-1-нафтилазо)-2 окси-3 нафтой кислота/ кальконкарбон кислота	R_1
	$C_{20}H_{15}O_5N_4S$	4-(2-окси-4-сульфо-1-нафтилазо)-3-метил-1-фенил-2-пиразолин-5/ эриохром қизил В	R_2
	$C_{18}H_{10}ClN_2O_6S$	5-хлор-3(8-ацетамидо-2 окси-1-нафтилазо) - 2 – оксибензолсульфокислота/ эриохром кулранг SGL	R_3
	$C_{16}H_{11}ClN_2O_9S_2$	2-(5-хлор-2-оксифенилазо)-1,8-диоксинафталин-3,6-дисульфокислота/ эриохром кўк SE	R_4
	$C_{20}H_{13}N_2O_5S$	1-(2-окси-1-нафтилазо)-2-нафтол-4-сульфокислота/ эриохром кўк-қора R	R_5
	$C_{20}H_{13}N_2NaO_5S$	1-(1-окси-2-нафтилазо)-2-нафтол-4-сульфокислота/ эриохром кўк-қора В	R_6
Гидроксиантрахинонлар			
	$C_{22}H_{20}O_{13}$	1,3,6-тригидрокси-5-карбокси-3-метил-2-(2,3,4,5-тетрагидрокси) капроил-9,10-антрахинон/ кармин кислота	R_7
Полиоксифлавонлар			
	$C_{15}H_{10}O_7$	3,5,7,2',4'-пентагидроксифлавон/ морин	R_8

Шунингдек, мазкур боб алюминий, бериллий, қўрғошин ва рухни аниқлаш учун бир қатор оксиазобирикма ва гидроксиантрахинонлардан янги люминесцент реагентларни излашга бағишланган.

Қўйилган мақсадга эришиш учун турли синфга мансуб бўлган реагентлар ўрганилган ва тадқиқот объектлари сифатида алюминийни аниқлаш учун - кальконкарбон ва кармин кислоталари, эриохром кулранг SQL, бериллийни аниқлаш учун - кальконкарбон кислотаси, эриохром қизил В, қўрғошинни аниқлаш учун - эриохром қизил В ва эриохром кўк-қора R, рухни аниқлаш учун эриохром қизил В ва эриохром кўк-қора В танланган (реагентларнинг тузилиши формулалари ва белгилари 1-жадвалда келтирилган).

Диссертациянинг **«Ўрганилаётган металлар ионларининг оксиазоагентлар ва гидроксиантрахинонлар билан комплекс ҳосил қилишни спектрал-люминесцент ўрганиш»** деб номланган учинчи бобида алюминий, бериллий, қўрғошин ва рухни таклиф қилинган регентлар билан комплекс ҳосил қилишни ўрганиш натижалари келтирилган. Комплекс ҳосил бўлиши ИҚ ва люминесцент спектроскопия, спектрофотометрия ва бошқа усуллар билан ҳамда квант-кимёвий ҳисоблаш билан ўрганилган.

Амалга оширилган тадқиқотлар натижасида реагентларнинг спектрал-люминесцент, кимёвий-аналитик ва кислотали-асосли хоссалари, флуоресцент комплекслар ҳосил бўлишнинг оптимал шароитлари аниқланган (1-расмни, 5-жадвални қаранг).



1-расм. *Комплексларнинг флуоресценция интенсивлигининг турли факторларга боғлиқлиги: а) муҳитнинг pHга; б) эритувчи иштирокига; в) органик реагент концентрациясига*
1 – Al-R_3; 2 – Al-R_{1C}; 3 – Al-R_{1K}; 4 – Al-R_7

Ўрганилаётган органик реагентларнинг металл ионлари билан комплекс бирикмаларининг спектрал-люминесцент хусусиятларини ўрганиш шуни кўрсатдики, реагентга нисбатан комплекс бирикмаларнинг ютилиш ва люминесценциянинг спектрал хусусиятлари ўзгаради ҳамда люминесценция интенсивлиги ошади, бу комплекс бирикмаларининг ҳосил бўлиши асосий флуорогеннинг сезиларли даражада қайта тақсимланиши билан кечиши тўғрисида далолат беради.

Ўрганилаётган реагентларнинг эритмада ёруғлик тарқатиш қобилиятини ўрганиш шуни кўрсатдики, барча комплекслар интенсив флуорес-ценцияланади ҳамда улардан тегишли элементларни люминесцент аниқлаш учун аналитик шакллар сифатида фойдаланиш мумкин.

Ўрганилаётган металл ионларининг органик реагентлар билан комплекс ҳосил килиш механизмини аниқлаш учун квант-кимёвий ҳисоблар ўтказилди, ИҚ-спектроскопик ва спектрал-люминесцент тадқиқотлар натижаларидан фойдаланилди, аналитик реакциялар кимёси ўрганилди, люминесцент

комплекс бирикмалар ҳосил бўлишининг схемалари аниқланди. Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, реагентлар билан металл ионлар комплексларда компонентларнинг ўзаро нисбати эритмада 1:1, 1:2 ёки 2:1, иммобилланган реагентлар билан эса 1:1 ташкил қилади.



2-расм. *ChemSketch va ACD / 3D viewer дастурлари ёрдамида полиоксифлавонлар, оксиазореагентлар ва гидроксиантрахинонлар билан металл ионлари комплексларининг схема-моделлари ва визуаллаштирилиши*

Hyper Chem, Chem Sketch va Gaussian дастурлари ёрдамида квант-кимёвий ҳисобларга, ИК- ва люминесцент спектроскопия маълумотларига асосланиб, шунингдек адабиёт маълумотларини таққослаш асосида квазиароматик металл-хелат циклини шакллантиришда иштирок этувчи асосий хелатловчи гуруҳлар аниқланди.

Аниқланишича, квазиароматик металл-хелат циклини ҳосил бўлишида қуйидагилар иштирок этади: оксиазореагентларнинг металлар билан комплексларида – азогуруҳ, гидроксил гуруҳлар; полиоксифлавонлар билан металл ионларнинг комплексларида – гидроксил ва карбонил гуруҳлар; гидроксиантрахинонлар билан металл ионларнинг комплексларида – гидроксил ва карбонил гуруҳлар (2-расмга қаранг).

Диссертация ишининг **«Оксиазореагентлар, гидроксиантрахинонлар ва полиоксифлавонларни иммобиллаш»** деб номаланган тўртинчи боби турли синфдаги органик бирикмаларнинг кимёвий-аналитик хусусиятларига қўзғалишнинг таъсирини иммобилланган оксиазобирикмалар, гидроксиантрахинонлар ва полиоксифлавонлар мисолида ўрганишга бағишланган.

Қаттиқ фазали люминесцент спектроскопияни ривожлантириш мақсадида ўрганилаётган реагентларнинг ҳар хил турдаги сорбентларга иммобилланиши люминесцент, ИҚ-спектроскопия, спектрофотометрик усуллар билан ўрганилди. Иммобиллаш шароитини ва ташувчини “юкланиши”ни ўрганиш натижалари 2-жадвалда умумлаштирилган.

2-жадвал.

Ўрганилаётган реагентларнинг имобилланишининг оптимал шароитлари

Реагент	**Ташувчи**	**pH муҳит**	**Буфер арлашма ҳажми, мл**	**Ташувчи «юкланиши», мкг/гр**	**Алоқа вақти, дақиқа**
Кальконкарбон кислота	Amberlit XAD-2	1,0- 3,0	3,00	190,72	10
Эриохром қизил B	Molselect 72 G-15	3,5-5,0	4,00	636,00	5
Кармин кислота	Floresil	6,5- 7,5	2,00	295,71	5
Морин	Sephadex G 15-120	1 н HCl	2,0	873,72	5
Эриохром кўк-қора R	Molselect 72 G-25	3,0-4,0	3,0	226,38	5
Эриохром кул ранг SGL	Molselect 72 G-25	2,5-3,5	3,0	116,0	5
Эриохром кўк-қора B	Molselect 72 G-50	3,5-5,5	3,0	589,5	5
Эриохром кўк SE	Molselect 72 G-10	3,0-5,0	3,0	158,7	5

Органик аналитик реагентларнинг хоссалари, маълум бўлганидек, функционал аналитик гуруҳларнинг донор атомларида электрон зичлигининг тақсимланиши билан аниқланади. Бир томондан фотоқўзғалиш, иккинчи томондан эса иммобиллаш жараёни натижасида органик реагентлар молекулаларида юзага келадиган электрон зичликнинг сезиларли даражада қайта тақсимланиши протолитик мувозанат хусусиятларини, демакки, комплекс ҳосил бўлишда реакцион қобилиятнинг сезиларли ўзгаришини белгилайди.



Морин

1 – pH=1,0; 2 – pH=5,0; 3 – pH =8,0;
1′ – pH=3,0; 2′ – pH=4,0; 3′ – pH =7,0;
1″ – pH=2,0; 2″ – pH=3,0; 3″ – pH =7,0



Кармин кислота

1 – pH =1,0; 2 – pH=2,0; 3 – pH=8,0
1′ – pH=3,0; 2′ – pH=4,0; 3′ – pH=7,0
1″ – pH=2,0; 2″ – pH=3,0; 3″ – pH=7,5



Кальконкарбон кислота

1 – pH=0; 1′ – pH=2,0; 1” – pH=2,0;
2 – pH=2,0; 2′ – pH=5,0; 2” – pH=5,0;
3 – pH=3,5; 3′ – pH=5,5; 3″ – pH=4,5



Эриохром кўк-қора R

1 – pH=0; 2 – pH=2,0; 3 – pH=8,5
1′ – pH=2,0; 2′ – pH=5,0; 3′ – pH=5,5
1″ – pH=2,0; 2″ – pH=5,0;3″ – pH=4,3

3-расм. *Реагентларнинг ютилиш (1-3), люминесценция (1′-3′) ҳамда иммобилланган ҳолатдаги (1″-3″) спектрлари*

3-жадвал.

Хар хил ҳолатдаги ўрганилаётган реагентнинг спектрал-люминесцент ҳусусиятлари

Реа-гент	pH			Реагент-нинг шакли	λ қўзғ., нм	λ флуоресценция, нм	
	Асосий ҳолат	Қўзғал-ган ҳолат	Қўзғал-ган иммобил-ланган ҳолат			Қўзғал-ган ҳолат	Қўзғал-ган иммобил ланган ҳолат
(R_1)	8,5 2,0	4,5 2,0	5,5 5,0	$RO^-(RO^-)$* R(R)*	560 507	605 545	605 545
(R_5)	5,5 5,0	4,3 2,0	8,5 5,0	$RO^-(RO^-)$* R (R)*	544 503	592 545	592 545
(R_7)	5,0 1,0	4,0 3,0	3,0 2,0	$RO^-(RO^-)$* R(R)*	350 350	520 495	500 495
(R_8)	4,0 3,0	3,0 2,0	5,0 1,0	$RO^-(RO^-)$* R (R)*	370 360	500 490	510 490

4-жадвал.

Асосий, қўзғалган, қўзғалган-иммобилланган ҳолатлардаги рК қийматини турли усулларда аниқланган натижаларни таққослаш

Реа-гент	Комарь усулида аниқланган			Ферстед усулида аниқланган			График усулида аниқланган		
	рК	рК*	рК*имм	рК	рК*	рК*имм	рК	рК*	рК*имм
(R_1)	3,98 9,26	2,00 7,96	1,36 7,37	4,02 9,47	2,25 7,82	1,25 7,12	4,03 9,32	2,12 7,70	1,30 7,45
(R_7)	6,36	3,40	2,42	6,40	3,38	2,63	6,45	3,28	2,45
(R_8)	5,32 8,65	3,00 7,20	2,32 7,20	5, 48 8, 82	3,20 7, 12	2,40 7, 25	5,70 9,00	3,50 7,40	2,00 7,30
(R_5)	-0, 98 8,78	2,50 5,84	2,40 4, 67	-0,90 8,70	2,50 5,70	2,50 4,60	-1,20 8,50	2,40 6,00	2,30 4,20

Эритмадаги ва иммобилланган ҳолатдаги реагентларнинг 0 дан 12 гача бўлган pH оралиғида кислотали-асос хусусиятларини ўрганиш шуни кўрсатдики, ўрганилаётган кислоталик оралиғида ўрганилаётган реагентлар қуйидаги мувозанат шаклларида бўлади: молекуляр, бир марта ионланган, икки марта ионланган, протонланган, бундан ташқари, кислоталикнинг ўзгариши билан, асосий ҳолатдаги хусусиятлар сезиларли даражада фарқ қилади, қўзғалган ҳолатда жуда кам фарқ қилади ва имобилланган ҳолатда деярли фарқ қилмайди (3-расмни ва 3-жадвални қаранг).

Функционал-аналитик гуруҳларнинг депротонлаш константалари реагентнинг энг муҳим физика-кимёвий хусусиятларидан бўлиб, уларнинг металл ионлари билан ўзаро таъсирининг оптимал шароитлари ва селективлигини, ҳосил бўладиган комплексларнинг барқарорлигини ва бошқа аналитик хусусиятларини белгилайди.

Ўрганилаётган реагентларнинг ионланиш константаларини аниқлаш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари шуни кўрсатадики, реагентларнинг электрон бериш хоссалари асосий ҳолатига нисбатан 2,69-4,1 бирликларга ошади, қўзғатилган-иммобилланган ҳолатида эса, қўзғатилган ҳолатга нисбатан 0,74-1,5 бирликларга ошади (4-жадвалга қаранг).

Бу факт шундан далолат берадики, органик реагентларни иммобиллаш жараёнида, фотоқўзғалиш жараёнига ўхшаш, люминофор молекуласида электрон зичлигининг қайта тақсимланиши содир бўлади, бу эса реагент ва ташувчиларнинг қутбли гуруҳлари ўртасида кимёвий (водород ва бошқалар) боғлар ҳосил бўлишини тасдиқлайди.

Шундай қилиб, реагентлар молекулаларига иммобиллаш ва қўзғатиш жараёнлари уларнинг протолитик хусусиятларининг ўзгаришига катта ҳисса қўшади, бу иммобилланган реагентлар билан алюминий, бериллий, қўрғошин, рух, вольфрам ва торийнинг люминесцент комплекслари ҳосил бўлишининг кислоталилигини сезиларли даражада аниқлайди.

Турли ташувчиларда органик реагентларни имобилланиши механизмини аниқлаш учун квант-кимёвий ҳисоблаш, ИҚ- спектроскопик ва спектрал-люминесцент тадқиқотлар маълумотлари ишлатилган. ИҚ- спектроскопик анализ натижалари реагент ва матрицаларнинг характерли гуруҳларини аниқлашга имкон берди. Тадқиқот ўрганилган реагентлар орасидан амалиётда энг кўп қўлланиладиган – оксиазобирикмалар мисолида олиб борилди. Дастлабки реагентларнинг ИҚ-спектрларида ва иммобилланган реагентлар ИҚ-спектрларида OH, N=N, C=O гуруҳларнинг тегишли тебраниш частоталари топилган. Шуни таъкидлаш керакки, иммобилланган реагентларнинг SO_3H, OH гуруҳларининг валент тебраниш соҳасида, эритмадаги реагентларнинг тебраниш соҳаси билан фарқи намоён бўлади. SO_3H гуруҳининг диапазони 39-45 $см^{-1}$ га силжийди. Иммобилланган ҳолатда OH гуруҳининг валент тебраниш соҳасига тегишли диапазони кенгроқ бўлади ва 100-120 $см^{-1}$ га силжийди. Олинган маълумотлар, ташувчининг гидроксил гуруҳлари ва оксиазобирикмаларни сульфогуруҳлари орасида кўплаб молекулалараро водород боғлар шаклланишидан далолат беради.

Эритмадаги реагентлар билан таққослаганда иммобилланган бирикмаларнинг спектрал-люминесцент тавсифларининг ўзгармаслиги, айниқса, реагентларни иммобилланиши пайтида протолитик хоссаларида аниқланган ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда, водород боғлари ҳосил бўлиши ҳақидаги тахминни тасдиқлайди.

Квант-кимёвий ҳисоблар, ИҚ-, люминесцент спектроскопия усулларининг натижалари ташувчининг гидроксил гуруҳлари ва реагентнинг сульфогуруҳлари орасидаги водород боғлари туфайли полидекстран ташувчига иммобилланиши мумкин бўлган механизмини таклиф қилиш имконини берди (4-расмни қаранг).



4-расм. *ChemSketch дастури ёрдамида оксиазобирикмаларни полидекстран ташувчиларга иммобилланишининг мумкин бўлган механизми*

Шундай қилиб, олиб борилган тадқиқотлар натижалари шуни кўрсатдики, органик реагентларни иммобилаш иммоблилланган реагаентларнинг комплекс ҳосил қилиш реакцияларининг метрологик хусусиятларини эритмадаги аналогик реакцияларга нисбатан яхшилаш учун қўлланилиши мумкин.

Диссертация ишининг бешинчи боби **«Ўрганилаётган ионлар билан иммобилланган оксиазобирикмалар, гидроксиантрохинонлар ва полиоксифлавонларнинг комплексларини спектрал-люминесцент ўрганиш»** деб номланган. Иммобилланган реагентларнинг қўзғалган ҳолатда кислота-асосли хоссаларининг ўзгариши, молекулаларнинг қаттиқлигининг ўзгариши, фазовий омиллар қўзғатилган иммобилланган ҳолатда реагентларнинг хелат ҳосил қилишнинг ўзига хослигини аниқлайди.

Комплекс ҳосил бўлиши ИҚ-спектроскопия, спектрал-люминесцент ва бошқа усуллар билан ўрганилган. Амалга оширилган тадқиқотлар натижасида металл ионларининг иммобланган ҳолатдаги реагентлар билан люминесцент комплекс ҳосил қилишнинг асосий спектрал-люминесцент, кимёвий-аналитик хусусиятлари аниқланган (5-расм, 5-жадвалларга қаранг).

Алюминий, бериллий, қўрғошин, рух, вольфрам ва торий ионларининг иммобилланган ва эритмадаги реагентлар билан ҳосил қилган комплекс бирикмаларининг спектрал-люминесцент хусусиятларининг таҳлили натижасида комплексларни люминесценция интенсивлигининг ошиши, шунингдек, иммобилланган реагентларга нисбатан комплекс бирикмаларнинг ютилиш ва люминесценциянинг спектрал хусусиятларининг ўзгариши кузатилган, бу реагент қаттиқ фазага қотирилиши ҳисобига реагент

молекуласининг қаттиқлиги ошиши ва электрон тузилишида ўзгаришларига олиб келади ва шунинг ҳисобига комплекс ҳосил бўлиши флуорофор молекуласининг функционал-аналитик ядросини сезиларли ўзгариши билан бирга вужудга келади деган хулосага келишга асос беради. Бу эритмадаги комплексларга нисбатан иммобилланган реагентларнинг комплекс бирикмаларининг квант чиқишини ошиши билан тасдиқланади. Таклиф қилинган янги аналитик тизимлар ёрдамида металларни аниқлаш чегарасининг пасайиши шу билан боғлиқ.



бв

5-расм. *Комплекс флуоресценциясининг турли факторларга боғлиқлиги: а) муҳит pH га; б) эритувчини миқдоридан*
1 – Al-$R_{3имм}$; 2 – Al-$R_{1имм}$; 3 – Al-$R_{4имм}$; 4 – Al-$R_{7имм}$

Комплекс бирикмаларининг спектрал-люминесцент хусусиятларини ўрганиш, ўрганилаётган металларнинг эритмада ва иммобилланган ҳолатдаги реагентлар билан комплекс ҳосил қилишнинг оптимал шароитларини аниқлаш эритмадаги ва иммоблилланган органик люминофорлар қўлланилиши билан люминесцент комплексларнинг ҳосил бўлишининг аналитик параметрларини таққослашга имкон беради. Натижалар 5-жадвалларда келтирилган.

Ўрганилаётган металлар эритмадаги ва иммобилланган реагентлар билан комплекс ҳосил қилишнинг оптимал кислоталилик қийматларини солиштириш оптимал pH қиймати иммобилланган реагентлар учун кислотали ҳудудга 1-3 бирликка силжишини кўрсатди. Бу иммобиллаш шароитларида комплекс ҳосил қилувчиларнинг электрондонор хусусиятларини кучайиши билан боғлиқдир. Шуни таъкидлаш керакки, реагентларнинг иммобилланиши натижасида органик фазанинг улуши 2-4 баробар камайган. Флуоресценциянинг ривожланиши вақти барча комплекслар учун 2-10 баробар қисқарди, экспресслиги ошди (5, 6-жадвалларга қаранг).

Ўрганилаётган металлар эритмадаги ва иммобилланган реагентлар билан комплекс ҳосил қилишининг спектрал-люминесцент хусусиятларини солиштириш шуни кўрсатдики, иммобилланган реагентлар билан барча комплекслар учун квант чиқиши ошган, бу иммобилланган органик реагентлар молекуласини структурасининг қаттиқлиги ошганлиги билан боғлиқ.

Ўтказилган корреляцион таҳлил натижасида комплексларнинг қўзғалган ҳолатидаги лиганд марказининг акцепторлик хоссалари ΔрК, lgβ ва спектрал-люминесцент хусусиятлари (φ) орасида боғлик аниқланди.

Ўрганилган металлар ва органик реагентлар комплексларининг люминесценциясини квант чиқиши (φ) қийматининг ошиши ΔрК га боғлиқлиги қатори келтирилган: R_1-Al < R_4-Al < R_3-Al; R_1-Be < R_2-Be; R_2-Zn < R_5-Zn; R_2-Pb < R_5-Pb; $R_{4имм}$-Al < $R_{3имм}$-Al; $R_{1имм}$-Be < $R_{2имм}$-Be; $R_{5имм}$-Zn < $R_{2имм}$-Zn; $R_{5имм}$-Pb < $R_{2имм}$-Pb. φ ни келтирилган қийматлари Δ рК билан қониқарли корреляцияда (R^2=0,98), бу уларнинг тўғрилигини тасдиқлайди (6-расмга қаранг).



6-расм. *R_1-Al < R_4-Al < R_3-Al қатордаги комплексларнинг φ қийматлари ва Δ рК орасидаги корреляция боғлиқлиги*

Квант чиқиши турли синфларга мансуб бирикмалар туркумидаги акцепторлик хоссаларининг ўзгариши билан симбатик равишда ошади, бу кимёвий боғлар мустаҳкамлиги ошиши билан ёруғликсиз ўтишларнинг камайиши ҳақидаги таниқли қоидага мос келади. Яъни, қўзғалган ҳолатдаги комплексларнинг барқарорлиги ва функционал-аналитик гуруҳларининг акцептор хусусиятлари ошиши билан комплекслар люминесценциясининг квант чиқиши ортади.

Ўтказилган корреляцион таҳлил натижасида комплексларнинг lgβ ва спектрал-люминесцент хусусиятлари (φ) орасида боғлик аниқланди.

Ўрганилган металл ионлари ва органик реагентларнинг комплексларининг люминесценциясини квант чиқиши (φ) қийматининг ошиши комплексларнинг lgβ ошишига боғлиқлиги қатори келтирилган: R_1-Be < R_1-Al; R_2-Pb < R_2-Zn < R_2-Be; R_8-Th < R_8-W; R_7-Be < R_7-Al; $R_{1имм}$-Be < $R_{1имм}$-Al; $R_{2имм}$-Pb < $R_{2имм}$-Zn<$R_{2имм}$-Be; $R_{8имм}$-Th < $R_{8имм}$-W; $R_{7имм}$-Be < $R_{7имм}$-Al. $R_{7имм}$-Be < $R_{7имм}$-Al. β ни келтирилган қийматлари ион радиуси билан қониқарли корреляцияда (R^2=0,97), бу уларнинг тўғрилигини тасдиқлайди (7-расмга қаранг).





а **б**

7-расм. *R_2-Pb < R_2-Zn < R_2-Be қатордаги эритмадаги (а) ва иммобилланган ҳолатдаги(б) комплексларининг β қийматлари ион радиуси билан корреляцион боғлиқлиги*

Люминесцент анализда аналитик шаклларнинг баҳоланиши люминофорларнинг комплекс ҳосил қилувчи гуруҳларнинг донор-акцептор ҳусусиятларининг фотоиндукцион ўзгариши билан белгиланади, бу қўзғалган ҳолатда электрон зичликнинг қайта тақсимланиши, металл ионлари билан кимёвий боғлар ҳосил қиладиган атомларнинг зарядларининг ўзгаришини акс эттиради. Табиийки, фотоиндукцияланган ўзгаришларнинг қиймати қанчалик катта бўлса, қўзғалган ҳолатдаги комплексларда ҳосил бўлган металл-хелатт боғларининг мустаҳкамлигидаги фарқ шунчалик катта бўлади. Юқоридаги маълумотларни ҳисобга олган ҳолда, шуни хулоса қилиш мумкинки қўзғатиш таъсири қаттиқ матрицадаги қўзғалган ҳолатдаги оксиазобирикма, полиоксифлавон ва гидроксиантрахинонларнинг кимёвий-аналитик параметрларини сезиларли яхшиланишига олиб келади.

Диссертация ишининг олтинчи боби **«Ўрганилаётган металларни аниқлашнинг сорбцион-люминесцент усуллари»** деб номланган.

Ўрганилган комплекс ҳосил қилиш реакциялари асосида эритмадаги ва иммобилланган реагентлар ёрдамида ўрганилган металларни миқдорий аниқлаш усуллари ишлаб чиқилган. Ўрганилган металларни аниқлашнинг метрологик параметрлари аниқланди. Математик статистика методида аниқлаш усулларнинг тўғрилиги баҳоланди.

Ўтказилган тадқиқотлар натижалари ўрганилаётган металларни аниқлашнинг метрологик параметрларини солиштиришга имкон берди. Иммобилланган органик реагентлар қўлланилганда ўрганилаётган металл ионларини аниқлаш чегараси эритмага нисбатан бериллий учун 5-13 марта; алюминий учун 10-50 марта; қўрғошин учун 8-10 марта, рух учун 16-41 марта; торий учун - 4 марта; вольфрам учун - 80 марта пасайиши кўрсатилди.

5-жадвал.

Алюминий, бериллий, қўрғошин, рух, вольфрам ва торийларнинг эритмадаги ва иммобилланган ҳолатдаги ўрганилаётган реагентлар билан аниқлаш усулларининг параметрларини таққослаш

Компекс	$\lambda_{қўзғ.}$, нм		$\lambda_{фл.}$, нм		pH		Органик фазанинг ҳажми %		Аниқлаш чегараси, нг		Флуоресценция-нинг ривожланиш вақти, дақ.	
	R-Me	$R_{имм}$-Me	R-Me	$R_{имм}$-Me	R-Me	$R_{имм}$-Me	R-Me	$R_{имм}$-Me	R-Me	$R_{имм}$-Me	R-Me	$R_{имм}$-Me
R_1-Be	388	420	453	490	9,0-11,0	7,5-10,0	40	15	7,0	0,7	20	10
R_2-Be	440	465	530	530	5,5-7,5	3,5-7,0	60	-	8,0	0,6	10	-
R_7-Be	466	554	582	620	4,0-4,5	5,0-8,0	33	32	100	20	20	5
R_1-Al	480	510	553	555	4,0-4,6	3,0-4,0	50	50	1500	40	15	10
R_7-Al	450	460	530	525	4,5-5,5	2,0-4,0	57	28,6	140	14	20	10
R_3-Al	490	495	545	525	5,0-7,5	2,0-4,0	30	15	10	2	8	5
R_4-Al	490	480	550	515	5,5-7,5	3,0-5,0	20	15	4	0,1	40	15
R_2-Pb	460	465	520	520	5,5-6,5	3,5-5,0	28,5	14,2	7	0,7	10	5
R_5-Pb	480	490	540	520	4,0-4,5	3,0-4,0	57,1	28,5	28	2,8	20	10
R_2-Zn	440	460	530	525	5,5-7,5	3,0-5,5	20	15	12,0	1,6	20	5
R_6-Zn	490	490	530	515	4,5-8,0	3,5-6,5	40	10	487	26	15	10
R_8-W	436	436	520	535	5,5	1M HCl	40	-	20	0,1	20	-
R_8-Th	430	430	510	540	2-5,5	0,1M HCl	40	-	4	1	20	-

